

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ped 28.01.РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

МАМБЕТНАЗАРОВ ИСЛАМБЕК МУРАТБАЕВИЧ

**АКАДЕМИК ЭШКАК ЭШИШДА ЖАМОАВИЙ ҚАЙИҚЛАРГА
ЭКИПАЖЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ УСЛУБИЯТИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.04-Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти назарияси ва
методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчиқ-2023

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on pedagogical
sciences**

Мамбетназаров Исламбек Муратбаевич

Академик эшкак эшишда жамоавий қайиқларга экипажларни шакллантириш
услубиятини такомиллаштириш.....3

Мамбетназаров Исламбек Муратбаевич

Совершенствование методики формирования экипажей командных лодок в
академической гребле.....29

Mambetnazarov Islambek Muratbaevich

Improvement of the methodology for the formation of crews to team boats in
academic rowing.....55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....59

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ped 28.01.РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

МАМБЕТНАЗАРОВ ИСЛАМБЕК МУРАТБАЕВИЧ

**АКАДЕМИК ЭШКАК ЭШИШДА ЖАМОАВИЙ ҚАЙИҚЛАРГА
ЭКИПАЖЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ УСЛУБИЯТИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.04-Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти назарияси ва
методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчиқ-2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/Ped2331 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг www.uzdjtsu.uz ва «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Садиков Акбар Гайратович педагогика фанлари номзоди, профессор
Расмий оппонентлар:	Югай Лев Павлович физика-математика фанлари доктори, профессор Краснова Галина Мансуровна педагогика фанлари номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	Урганч давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Ped.28.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил “___” _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кучаси, 19-уй. Тел.:(0-370)-717-17 79,717-27-27, факс.:(0-370) 717-17-76; веб-сайт: www.uzdjtsu.uz, e-mail:uzdjtsu@uzdjtsu.uz. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети “Б” биноси, 2-қават, анжуманлар зали.

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (211959 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кучаси, 19- уй. Тел.:(0-370)-717-17 79,717-27-27, факс.:(0-370) 717-17-76.

Диссертация автореферати 2023 йил “___” _____ куни тарқатилди.

(2023 йил “___” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

М.Р.Болтабаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

М.Х.Миржамолов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби п.ф.б.ф.д.(PhD), доцент

Ф.А.Керимов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда академик эшкак эшиш спортида кучли рақобат ва спорт натижаларининг доимий ўсиб бориши шароитида машғулот жараёни ва мусобақа фаолиятини бошқариш тизимини такомиллаштириш, оқилона спорт тайёргарлигининг самарали йўналишларини танлаш, кўп йиллик тайёргарлик босқичининг ўзига хос хусусиятларини акс эттирувчи вазифаларни амалга ошириш, Олимпиада ва жаҳон чемпионатидаги жамоавий қайиқларнинг рекорд натижалари тез-тез янгилашиб туриши, жамоавий қайиқларга эшкак эшувчиларни саралашда инновацион ва технологик жиҳатдан услубларнинг такомиллашиб бориши сабабли спортчиларни танлаш ва жамоавий қайиқларга экипажларни шакллантиришда узгача услубларини яратиш тренерлар ва соҳа мутахассислари, олимлар учун долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда.

Дунёда эшкак эшиш спорти ривожланган мамлакатларнинг мутахассислари томонидан ушбу спорт тури билан шуғулланадиган спортчиларни тайёрлашнинг замонавий восита ва усулларини излаш билан бир қаторда, жамоавий қайиқлар экипажини ташкил этадиган спортчилар ўртасидаги ўзаро таъсир самарадорлигини ошириш, жисмоний, техник, тактик, психологик ва назарий тайёргарлик турларининг оптимал нисбатларини излаш ҳамда спорт натижаларини яхшилашга йўналтирилган кўплаб илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ҳозирги вақтда академик эшкак эшиш спортида тўрт кишилик ва саккиз кишилик экипажларни шакллантиришда спортчиларнинг индивидуал хусусиятларини ва тайёргарлик тизимида замонавий восита ва услубларини қўллаган ҳолда спортчилар тайёргарлигини ташкил қилиш бўйича илмий тадқиқотлар ўтказиш ва улар орқали натижадорликни ошириш зарурияти юзага келмоқда.

Мамлакатимизда спорт ўйинлари, циклик спорт турлари ва мураккаб координацион спорт турларида жамоаларни шакллантириш масаласига бағишланган хусусан, академик эшкак эшиш спортида спортчиларнинг юқори даражадаги махсус жисмоний тайёргарлик кўрсаткичлари, уларнинг техник тайёргарлигини ривожлантириш ва спортчиларнинг функционал имкониятларини ошириш орқали жамоавий қайиқ экипажларини шакллантириш ҳақида бир қатор илмий услубий ишлар қилинган. “Бугунги кунда спортчиларни тайёрлаш 30 йил олдинги дастурлар асосида амалга оширилмоқда”¹. Бироқ амалиёт шуни кўрсатадики, жамоавий қайиқ аъзоларининг ўзаро таъсирини, уларнинг эшиш циклини бажаришдаги техник мувофиқлигини, қайиқда спортчиларнинг жойлашиш кетма-кетлигини, уларнинг антропометрик ва функционал тайёргарлик кўрсаткичлари ҳамда спортчининг қайиқдаги жойлашув мажбуриятларини ҳисобга олмаган ҳолда, яъни ҳозирги мавжуд бўлган анъанавий восита ва усулларида фойдаланиб ташкил этилиши соҳа мутахассислари олдида бу йўналишда илмий изланишлар олиб бориш талабини қўймоқда.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг “Спортни оммалаштириш, спорт таълимини яхшилаш ва иқтидорли спортчиларни тайёрлаш бўйича йиғилиш” даги нутқи 2018 йил 21 сентябрь “Халқ сўзи” газетаси 1-2 бет

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги ПФ-5924-сон “Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 2021 йил 5 ноябрдаги ПҚ-5279-сон “Спорт таълими тизимини тубдан такомиллаштириш орқали Олимпия ва Паралимпия спорт турлари бўйича спортчилар захирасини шакллантириш сифатини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги, 2021 йил 5 ноябрдаги ПҚ-5281-сон “2024 йил Париж шаҳрида (Франция) бўлиб ўтадиган XXXIII ёзги Олимпия ва XVII Паралимпия ўйинларига Ўзбекистон спортчиларини комплекс тайёрлаш тўғрисида” ги қарорлари ҳамда соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқот материаллари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг: I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” билан боғлиқ устувор йўналишлари доирасида амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мавжуд илмий-услубий адабиётларнинг таҳлили академик эшкак эшиш спортида иқтидорли ёш спортчиларни саралаш ҳамда рақобатбардош жамоавий қайиқларни шакллантириш ўқув машғулотлар жараёнига янгича илмий-назарий ёндашиш муҳим муаммолар қаторига киради. Бу муаммони ҳал қилиш мақсадида бир қатор маҳаллий олимлар Ф.А.Керимов, М.Н.Умаров, В.М.Корбут, Р.Г.Исраилова, Р.Г.Исраилова, Х.Ю. Матназаров² илмий изланишлар олиб борган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги доирасида ўрганилаётган мавзу бўйича олиб борилган бир қатор тадқиқотлар натижалари Ю.А.Дольник, В.Ю.Давыдов, М.В.Баранова, М.В.Щодро. Годик.М.А., Л.А.Егоренко, В.Б.Иссурин, Т.С.Тимакова ва б. ҳозирги кунда соҳада қўлланилиб келинмоқда.

² Керимов Ф.А., Умаров М.Н. Спортда прогноллаштириш ва моделлаштириш. Дарслик. Т.: 2005. - 280 б. Корбут В.М, Исраилова Р.Г. Спорт педагогик маҳоратини ошириш. Ўқув қўлланма 1-босқич Т.: 2017. - 148 б. Исраилова Р.Г. Академическая гребля. Учебное пособие для направления образования 5610500- Спортивная деятельность(по видам деятельности) Т.: 2020. – 154 с. Матназаров Х.Ю. Эшкак эшиш назарияси ва услубияти. Дарслик Т.: 2020. - 241 б.

³ Дольник Ю.А. Исследование критериев комплектование командных лодок в гребле на байдарках и каноэ . Автореф. дис. канд. пед. наук. Ленинград.: 1978. – 18 с. Давыдов В.Ю. Отбор юных спортсменов и комплектование женских экипажей в академической гребле с учётом показателей телосложения. Автореф. дис. канд. пед. наук. Киев 1990. - 24 с. Щодро М. В. Научное обоснование комплектования команд в академической гребле Автореф. дис. канд. пед. наук. Л., 1977. - 17 с. Годик М. А. Отбор спортсменов для комплектования команд / М. А. Годик // Спортивная метрология : учеб. для инст. физ. культ. – М. : Физкультура и спорт, 1988. - 192 с. Л.А. Егоренко. Система отбора в гребном спорте : Учебно-методическое пособие. СПб. : СПбГАФК им. П. Ф. Лесгафта, 2004. - 80 с. Иссурин В.Б. Спортивный талант: прогноз и реализация. Монография. М.: Спорт, 2017. – 240 с. Тимакова Т.С. Факторы спортивного отбора или кто становится олимпийским чемпионом: Монография. М: Спорт-2018. - 288 с.

⁴ McArthur, J. High performance rowing / John McArthur . – The Crowood Press Ltd, Ramsbury, Marlborough, impr., 2004. - 156 p. Nolte, V. Rowing Faster / Volker Nolte. – Human Kinetics Publishers ; 1st edition, 2004. – 294 p. Roberts, M. B. Crew: The Rower's Handbook / M. B. Roberts (Author), Ronald C. Modra (Photographer). – New York : Sterling, 2007. - 182 p. Churbuck, D. C. The book of rowing / David C. Churbuck. – Overlook TP ; 4 Updated edition, 2008. – 320 p.

Экипажларни шакллантириш ҳақидаги ғоялар устида бир қатор хорижий муаллифлар (J. McArthur, 2004; V. Nolte, 2004; M. B. Roberts, 2007; D. C. Churbuck, 2008 ва б.)⁴ ҳам илмий изланишлар олиб борган.

Мавзуга боғлиқ кўплаб олиб борилган тадқиқотлар ўтган асрнинг охирида қилинганлиги, академик эшкак эшиш спортида ҳозирги кунда жамоавий қайиқларнинг натижалари шиддат билан ўсиши, рекорд натижаларнинг тез-тез янгиланиб туриши бу соҳада янги замонавий ёндашув ҳамда кўшимча илмий, илмий-услубий ишланмаларни яратишни талаб қилади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасидаги V-1-28 “Республикадаги спорт таълим муассасаларда сув спорти ва эшкак эшиш турлари бўйича тарбияланувчи ёшларнинг тайёргарлик тизимини такомиллаштириш” мавзусидаги лойиха доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади академик эшкак эшишда комплекс ёндашув қўллаш ҳисобига жамоавий қайиқларга экипажларни шакллантириш услубиятини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

жамоавий қайиқларга экипажларни шакллантириш жараёнида эшкакчиларнинг эшиш циклини бажаришдаги бир-бирига мослигига кучли таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш;

экипажларни шакллантириш вақтида эшкакчиларнинг жамоавий эшиш синхронлигини яхшилашга йўналтирилган махсус машқлар мажмуасини ишлаб чиқиш;

жамоавий қайиқларга экипажларни шакллантиришда эшкакчиларнинг анаэроб алмашинув чегарасини (ААЧ) аниқлаш орқали махсус тренировка машқларининг қатъий регламентлаштирилган дастурини ишлаб чиқиш;

комплекс ёндашув ҳисобига жамоавий қайиқларга экипажларни шакллантириш самарадорлигини тажрийбада асослаб бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ёш академик эшкак эшувчилар билан олиб бориладиган ўқув-машғулотлар жараёни олинган.

Тадқиқотнинг предмети ёш академик эшкак эшувчилардан жамоавий қайиқларга экипажни шакллантириш восита ва усуллари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари сифатида Илмий-услубий адабиётларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш, педагогик кузатув, анкета-сўровнома, эксперт баҳолаш, психологик тестлар, Конкони тести, эшкакка бериладиган кучланишнинг тензометрик таҳлили, педагогик тажриба, математик статистика каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

экипажларга техник жиҳатдан бир-бирига яқин эшкакчиларни саралаш учун эшиш циклида тортиш фазаси бир хил бўлган спортчиларни эшкакка бериладиган кучланиш асосида уч типдаги (классик, ўрта, яқуний)

тоифаларни аниқлаш ҳисобига экипажларни шакллантириш имконияти кенгайтирилган;

экипажларни шакллантириш учун эшиш вақтида эшқакка бериладиган кучланишларда экипаж аъзоларининг ҳаракатлари синхронлигини ва эшишда бир хил ритмини таъминлашга қаратилган (пауза билан эшиш, микро фазаларга бўлиб эшиш, 90° градусда эшиш, в.б) машқлар мажмуасини ишлаб чиқиш ҳисобига натижадорлик имконияти оширилган;

экипажга функционал жиҳатдан бир-бирига яқин спортчиларни танлаб олиш ҳамда тренировка юкламалари ва дам олиш вақтини меъёрлаштириш учун анаэроб алмашинуви чегарасини юрак қисқаришлари сони орқали аниқлаш ҳисобига жамоавий қайиқларга экипажларни шакллантириш услубияти такомиллаштирилган;

эшқакчиларининг техник кўрсаткичларини эшиш циклидаги тортиш фазасини тезлаштириш орқали яхшилаш, машғулот юкламаларни индивидуал бериш асосида функционал имкониятларни ошириш ва спортчиларни қайиқда жойлашиш кетма-кетлигини қатъий белгилаш ҳисобига жамоавий қайиқларга экипажларни шакллантириш услубияти такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

жамоавий қайиқларни шакллантиришда спортчи томонидан эшқакка бериладиган кучланишни “Concept 2” эргометирнинг “Using the force Curve” функциясидан фойдаланган ҳолда тензограмманинг эшиш фазаларидаги вақт кўрсаткичлари, кучнинг кўтарилиш вақти, уни ушлаб туриш ва пасайиш вақти аниқланиб эшқакчиларга хос 3-типдаги тензограммалар аниқланган;

Конкони тестида олинган натижалар асосида қатъий меъёрлаштирилган аэроб, интенсив ва тикловчи микроцикллар қўллаш натижасида спортчиларнинг жисмоний ва функционал натижаларини яхшиланишига эришилган;

тўрт кишилик ва саккиз кишилик қайиқларда спортчиларни жойлашиш кетма-кетлиги “моделли” психологик тестлар натижаларини ва антропометрик кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда жамоавий қайиқларни шакллантириш учун тавсия этилган;

янги экипажларни шакллантириш ёки мавжуд экипажларни кучайтиришнинг ишлаб чиқилган мажмуавий усулини энг кучли ва заҳирадаги ёш академик эшқак эшувчилар билан ишлаш амалиётида қўллаш самарадорлиги исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашув жисмоний тарбия машғулотлари назарияси ва услубияти соҳасидаги хорижий ҳамда республикамиз олимларининг фикр-мулоҳазаларига асосланганлиги, тадқиқот натижаларига мос келувчи ўзаро бир-бирини тўлдириб боровчи тадқиқот услубларининг қўлланилганлиги, таҳлил ва тадқиқот вазифасининг сон ва сифат жиҳатдан таъминланганлиги, тажриба-синов ишларининг ҳамда олинган натижаларнинг математик-статистик таҳлил услублари ёрдамида қайта ишлаб чиқилганлиги, натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти ўтказилган педагогик тажрибаларда олинган натижалар асосида юқори малакали ёш академик эшкак эшувчилардан жамоавий қайиқларга экипажларни шакллантириш воситалари ва услубларини мақсадли такомиллаштириш дастури ишлаб чиқилди ҳамда уларни қўллаш самарадорлигининг илмий моҳияти очиб берилиши билан бир қаторда тадқиқотлар давомида тренерлар учун жамоавий қайиқларда эшкак эшувчиларнинг ўзаро техник мувофиқлигини аниқлаш орқали мавжуд бўлган ёки энди шакллантириш зарур бўлган жамоавий қайиқларни кучайтиришга эришилди ва мазкур олинган маълумотлар ёш академик эшкак эшувчилардан жамоавий қайиқларни шакллантириш соҳасидаги назарий билимларни бойитиш ва кенгайтириш имконини берди.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, олинган натижалар академик эшкак эшиш бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси ҳамда Ўзбекистон миллий терма жамоасида юқори малакали ёш эшкак эшувчилардан жамоавий қайиқларни шакллантириш ҳамда тренировка машғулотларига тадбиқ қилинадиган дастурий-меъёрий ҳужжатларни тузиш ва ишлаб чиқишда, спорт мактаблари тренерларига масъулиятли мусобақаларга жамоавий қайиқлар экипажини саралаш ва юқори спорт натижаларига эришишда самаралидир.

Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши. Академик эшкак эшишда жамоавий қайиқларга экипажларни шакллантириш услубиятини такомиллаштириш бўйича амалга оширилган илмий-тадқиқот натижалари асосида:

эшкак эшиш циклининг техника жиҳатидан бажариш самарадорлигини баҳолаш услубияти бўйича таклифлар академик эшкак эшиш бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси аъзоларининг машғулот жараёнига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Спортни ривожлантириш вазирлигининг 2022-йил 29-июлдаги 06-13/3923-сон маълумотномаси). Натижада 40 та спортчилар орасидан эшиш циклини бажаришнинг 3 хил тури аниқланди: 1 гуруҳ - 16 киши, (биринчи турдаги тензограммалар), 2 гуруҳ 6 киши (иккинчи турдаги тензограммалар), 3 гуруҳ - 18 киши (тензограммаларнинг учинчи тури) ва 1-3 турдаги гуруҳ спорчиларидан тажриба ва назорат гуруҳларига спортчилар танлаб олинган;

экипажларни шакллантириш учун эшиш вақтида эшкакка бериладиган кучланишларда экипаж аъзоларининг ҳаракатлари синхронлигини ва эшишда бир хил ритмини таъминлашга қаратилган машқлар мажмуаси бўйича таклиф ва тавсиялар “Ескек есуу теорияси ҳам методикаси” номли дарслик мазмунига сингдирилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2022 йил 9 сентябрдаги 302-сонли буйруғига асосан 302-0957 рақамли гувоҳнома). Натижада спортчиларининг айнан 500м босиб ўтишда умумий эшишлар сони тестида 13,97% га, масофани босиб ўтишга сарфланган вақт тестида 13,36% га, тезлик тестида 25,89% га, уртача куч тестида 17,30% га, максимал куч тестида 13,43% га, эшиш узунлиги тестида 20,66%, га яхшиланганлиги кузатилган;

спортчиларнинг анаэроб алмашинуви чегарасини (ААЧ) аниқлашга ёрдам берадиган тестдан фойдаланиш бўйича таклиф ва тавсиялар Самарқанд вилоятидаги Спортнинг эшкак эшиш турлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия захиралари Республика болалар-ўсмирлар спорт мактабининг академик эшкак эшиш бўйича шуғулланувчи спортчиларининг машғулот жараёнида татбиқ этилган (Ўзбекистон Республикаси Спортни ривожлантириш вазирлигининг 2022-йил 29-июлдаги 06-13/3923-сон маълумотномаси). Натижада, жисмоний ва функционал тайёргарлик кўрсаткичлари, айнан: аэроб куч – эргометрик тестда 8,01%га, максимал анаэроб қувват тестида –10,99%га, анаэроб қувват тестида – 7,83% га яхшиланган, функционал маҳсулдорлик тажриба гуруҳида назорат гуруҳига нисбатан 5,39% га яхшилангани ($p < 0,05$) кузатилган;

ёш академик эшкак эшувчиларни психологик тестлардан фойдаланиб “лидер ва бўйсунувчи” шахсини билиш, антропометрик кўрсаткичлар тахлили бўйича таклифлар Сув спорти турлари бўйича Республика олий спорт маҳорати мактабининг академик эшкак эшиш бўйича тарбияланувчиларининг ўқув-машғулот жараёнига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Спортни ривожлантириш вазирлигининг 2022-йил 29-июлдаги 06-13/3923-сон маълумотномаси). Натижада академик эшкак эшиш бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоасининг 40 нафар спортчиларини 8 нафари жамоавий қайиқларда бошқарувчи (лидер) ролига туғри келиши, 6 нафари жамоавий қайиқлардан кўра яққалик қайиқларда истиқболли эканлиги ва 26 спортчилар катта-кичик экипажларда бўйсунувчи ролига туғри келиши аниқлаган;

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро, 4 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий-услубий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий журналларида 4 та мақола (3 та республика ва 1 та хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, тўрт бобдан иборат бўлиб, 126 саҳифали матн, 11 та расм, 23 та жадвал, хулоса, амалий тавсиялар, адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **Кириш** қисмида танланган мавзунинг долзарблиги ва унинг зарурати, тадқиқотнинг республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, диссертациянинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети, тадқиқот усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижаси, тадқиқотдан олинган натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот

натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти ҳамда уларнинг жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ҳақида батафсил маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Академик эшкак эшишда экипажларни шакллантиришнинг назарий ва амалий муаммолари”** деб номланган биринчи бобида жамоавий қайиқларга экипажларни шакллантириш босқичлари, экипажларни шакллантириш мезонлари, жамоавий қайиқларга экипажни шакллантиришда замонавий услублар ва унинг таҳлили, академик эшкак эшишда экипаж аъзоларининг тайёргарлигини лаборатория услуби орқали назорат қилиш, жамоавий қайиқларни шакллантиришда учрайдиган асосий муаммолар, бўйича мавжуд илмий-методик адабиётларни таҳлил қилиш орқали ёритилган. Бир қатор чет эл ва маҳаллий олимлар (Ю.А.Дольник 1978, В.Ю.Давыдов 1990, М.В.Баранова 2016, М.В.Щодро 1977. Годик М.А. 1977, Л. А Егоренко 2004, В.Б.Иссурин 2017) академик эшкак эшиш спортида жамоавий қайиқларга экипажларни шакллантиришда спортчиларнинг жисмоний ва техник тайёргарлиги, жамоада лидернинг ўрни, жамоа аъзолари ҳаракатларининг бир-бирига мувофиқлиги, қолаверса, жамоадаги психологик муҳит юқори натижаларга эришиш учун етакчи омир эканлигини таъкидлашган. Баъзи мутахассисларнинг (J. McArthur, 2004; V. Nolte, 2004; M. V. Roberts, 2007; D. C. Churbuck, 2008) фикрига кўра, академик эшкак эшиш спортида жамоавий қайиқларга экипажни шакллантиришда антропометрик кўрсаткичлар ва тайёргарликнинг барча турларини комплекс ривожлантириш ва бу жараёнига муҳим тадбир сифатида қарашни мақсадга мувофиқ деб билишади.

Қиёсий таҳлиллар натижасида, ҳозирги вақтда юқори малакали ёш академик эшкак эшувчиларни жамоавий қайиқларга экипажни шакллантиришда қўлланилаётган технологиялар стандарт услублардан иборат бўлиб, эшкакчиларнинг жисмоний сифатларини ва сувдаги техник тайёргарлигини такомиллаштиришда фақатгина сувдаги ёки қуруқликдаги машқлардан фойдаланган ҳолда амалга ошириш тайёргарлик вазифаларини тўлиқ ҳал қилиш имконини бермаслиги, мазкур йўналиш бўйича илмий тадқиқотлар етарли эмаслиги ва тадқиқот предмети сифатида ўрганилмаганлиги очиб берилган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот жараёнининг услублари ва тадқиқотни ташкил қилиш”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот олдига қўйилган вазифаларни ҳал этиш учун илмий-услубий адабиётларнинг таҳлили, анкета-сўров, педагогик кузатув, педагогик назорат, машғулот фаолиятини эксперт баҳолаш, антропометрик ўлчовлар, антропометрик ўлчовлар, жисмоний ҳолатни баҳолаш, психологик тестлар, педагогик тажрибалар, инструментал услублар: эшкак эшиш кучланиши тензометрияси, ААЧ аниқловчи Франческо Конкони тести, математик статистик услублари, тадқиқотнинг ташкил қилиниши тўғрисида маълумотлар берилган.

Тадқиқот 2020-2022 йиллар давомида 3 та босқичда амалга оширилди.

Биринчи босқич, таҳлилий-изланиш, 2020-2021 йиллар давомида олиб борилди. Мазкур босқичда диссертация ишининг асосий тушунчалари

белгилаб олинди, ишчи гипотеза шакллантирилди. Изланиш мавзуси бўйича психологик-педагогик маълумотларни ўрганиш, умумлаштириш ва тизимлаш амалга оширилди. Маҳаллий ва хорижий манбааларда муаммонинг ўрганилганлик ва ишланганлик даражаси аниқланди. Танланган контингентнинг дастлабки синов кўрсаткичлари олиниб, батафсил таҳлил қилинди.

Бу босқичда назарий таҳлил, қиёслаш, тажрибани умумлаштириш, кузатув, сўровнома (тест, анкета сўрови, суҳбат), Конкони тести, эшакка бериладиган кучланишнинг тензометрияси, психологик тестлар, хужжатлар билан ишлаш каби тадқиқот услубларидан фойдаланилди.

Иккинчи босқич (2021-2022 йиллар) – Республикадаги 50 та академик эшакка эшиш бўйича тренерлардан анкета сўрови ўтказилди ҳамда Тошкент вилояти Туябўғиз посёлкасидаги Ўзбекистон Республикаси Спортни ривожлантириш вазирлиги тасарруфидаги эшакка эшиш базасида шуғулланувчи юқори малакали ёш академик эшакка эшувчиларни жамоавий қайиқларга экипажларни шакллантириш бўйича тензометрик таҳлил, Конкони тести ҳамда бир нечта психологик тест ўтказилди. Бундан ташқари, CONCEPT-2 эшакка эшиш эргометрида синалувчиларнинг жисмоний тайёргарлиги ва функционал ҳолати таҳлил қилинди.

Учинчи босқич (2022) – асосий тажриба. Тренировка дастурига тавсия қилинган тайёргарлик микроцикллари амалиётга тадбиқ қилиниб, синалувчиларнинг жисмоний, техник, мусобақа фаолиятидаги натижаларига тавсия қилинган воситаларнинг самарадорлиги аниқланди. Тажриба охирида дастлабки ва якуний натижалар қиёсий таҳлил қилиниб якуний хулосалар ҳамда амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

Диссертациянинг **“Академик эшакка эшишда жамоавий қайиқларга экипажларни шакллантиришнинг ташкилий-услубий асослари”** деб номланган учинчи бобда республикадаги жами 50 та тренерлардан жамоавий қайиқларга экипажларни шакллантириш бўйича ўтказилган анкета сўрови натижалари умумлаштирилди (1-расм).

Сўровномада иштирок этган респондентлардан олинган жавобларни таҳлил қилиш қуйидагиларни аниқлаб берди.

Дастлабки савол «Саккизталик жамоавий қайиқни шакллантиришни қандай амалга оширасиз?» деган саволга 50 та респондентдан (12%) энг кучли иккита тўрт кишилик тоқ эшаккли қайиқлардан шакллантиришини таъкидлашган бўлса, (8%) респондентлар энг кучли 4 та икки кишилик тоқ эшаккли қайиқлардан шакллантиришини, (10%) тренерлар спортчиларнинг индивидуал имкониятларига қараб шакллантириш вариантини, (40%) мураббийлик тажрибамга асосланган ҳолда шакллантираман деган вариантни таъкидлашган.


Иккинчи савол «Спортчиларнинг экипажда ўтириш кетма-кетлигини қандай кўрсаткичларга таянган ҳолда амалга оширасиз?» деган саволга (20%) респондентлар антропометрик кўрсаткичларга қараб деган жавобни берган бўлса, (20%) респондентлар жисмоний кўрсаткичларга таянган ҳолда деган

жавобни берган, (15%) респондентлар эса функционал кўрсаткичларга қараб амалга оширишини таъкидлашган бўлса, (45%) тренерлар ўз тажрибамга асосланган ҳолда амалга ошираман деган жавобни таъкидлашган.

Учинчи савол «Экипажни асосий мусобақадан қанча олдин шакллантирасиз?» деган саволга (42%) респондентлар 3 ой олдин деган вариантни таъкидлашган бўлса, (36%) респондентлар 6 ой олдин деган жавобни, (12%) респондентлар 8 ой олдин деган жавобни, (10%) респондентлар 1 йил ёки ундан ҳам кўп деган жавобни таъкидлашган.

Тўртинчи савол «Қайикда бошқарувчи (*stoke*) спортчини қандай танлаб оласиз?» деган саволга (28%) респондентлар жисмоний имкониятларига қараб деган вариантни таъкидлашган бўлса, (14%) респондентлар психологик тайёргарлигига қараб деган вариантни, (26%) респондентлар техник махоратига қараб деган вариантни, (32%) респондентлар тажрибамга асосланган ҳолда деган вариантни таъкидлашган.

Бешинчи савол «Тажрибангиз давомида шакллантирган экипажларингиз асосий мусобақаларда қандай натижалар кўрсатган?» деган саволга (33%) респондентлар аъло фақат 1 ўрин деган жавобни, (4%) яхши 1-3 ўрин деган жавобни, (15%) қониқарли 3 ўрин ва кучли 6 таликда деган жавобни, (48%) респондентлар кўпинча мен кутган натижа бермайди деган жавобни беришган.



1-расм. Анкета сўровномаси натижалари

Анкета сўрови асосида жамоавий қайикларни шакллантиришда маҳаллий мутахассислар орасида жамоавий қайикларга эшкак эшувчиларни саралаш услубиятининг ҳар хиллиги ва ягона оптимал услубнинг деярли йўқлиги ва ушбу мавзуда илмий асосланган услубларни ишлаб чиқишни тақозо этади.


Анкета сўрови натижаларини умумлаштириб жамоавий қайиқларга экипажларни ўзгача йўналишда шакллантириш зарурати сезилди.

Тадқиқотимиз давомида жамоавий қайиқларни шакллантиришда жамоа аъзоларининг эшкакка берадиган кучланиши мувофиқлигини аниқлаш ва жамоанинг натижадорлигини ошириш мақсадида тензометрия услубидан фойдаландик. Бу жараёнга юқори малакали 40 та ёш спортчи жалб қилинди.

Юқори малакали ёш академик эшкак эшувчиларнинг эшкакка берадиган кучланишлари тензограммасини объектив натижаларини олиш мақсадида “Concept 2” эргометринг “Using the force Curve” функциясидан фойдаланилди.

Синалувчиларга тажриба 500м масофани босиб ўтиш таклиф қилинди. Жамоавий қайиқларни шакллантиришда ва экипажларга спортчиларни танлашда энг катта ахамиятга эга жиҳат тензограмманинг эшиш фазаларидаги вақт кўрсаткичлари, кучнинг кўтарилиш вақти, уни ушлаб туриш ва пасайиш вақти эканлиги аниқланди.

Тензометрик таҳлил бизга спортчиларни эшкакка берадиган кучланиш бўйича 3 типга ажратиш имконини берди. (2-расм).



2-расм. Эшкакка бериладиган кучланишларининг тензометрик таҳлили

Биринчи типдаги спортчилар эшкакка бериладиган кучланиш эшиш бошланишида кучнинг кескин ортиши, уни ушлаб туришнинг сезиларли вақти ва аста-секин камайиши билан тавсифланади.

Иккинчи типдаги спортчилар эшкакка бериладиган кучланиш юқори малакали спортчиларда камдан-кам учрайди.

Улар эшиш бошланиши ва эшиш охирида жуда заиф кучланиш беради ва эшиш ўртасида ўзининг максимал кучланишини бериб уни ушлаб туриш вақтининг кескин камайиши билан тавсифланади.

Учинчи типдаги спортчилар эшкакка бериладиган кучланиш эшиш бошланиши фазасидан аста секинлик билан кўтарилиши, эшиш охирига бориб энг юқори кучланиш берилиши, яхши ушлаб туриш вақти ва эшиш охирида кескинроқ секинлашув чизиғи билан тавсифланади.

Тадқиқотимиз тўрт босқичдан иборат бўлиб:

- синалувчиларнинг дастлабки тензограммаларини таҳлил қилиш;
- спортчиларнинг таснифи (тензометрик кўрсаткичларнинг математик таҳлили асосида);

- спортчиларни "техник мувофиқлиги" бўйича гуруҳларга танлаш;

- экипаж таркиби бўйича ишларни якунлаш.

Биринчи босқичда мамлакатимизнинг энг кучли ёш спортчиларининг тензограммалари қайд этилди.

Иккинчи босқичда эшиш фазасидаги вақт параметрлари ва максимал кучланиш қиймати, ўртача куч, эшиш узунлиги, босиб ўтилган вақт, тезлик аниқланди. Ушбу кўрсаткичларга кўра, спортчилар уч гуруҳга бўлинди: 1 гуруҳ. - 16 киши (биринчи турдаги тензограммалар), 2 гуруҳ 6 киши (иккинчи турдаги тензограммалар), 3 гуруҳ 18 киши (тензограммаларнинг учинчи тури). Иккинчи гуруҳ спортчилари кейинги тажрибаларга жалб этилмади.

Учинчи босқичда назорат машғулоти натижаларига кўра (3 марта х 3 дақиқа, шиддат дақиқасига 30-32 зарба) гуруҳларда спортчиларни танлаб олиш давом этилиб: 1 гр. - 4 спортчига, 3 гр. - 6 спортчига қисқартирилди. Шу тариқа назорат ва тажриба гуруҳларига 12 тадан 24 та спортчи таналаб олинди.

Тўртинчи босқичда тажриба гуруҳидаги спортчиларни якуний саралаш ва экипажни жалб қилишни амалга оширилди. Тажриба гуруҳидаги спортчилардан тўрт кишилик жуфт эшкакли ва тўрт кишилик тоқ эшкакли қайиқлар билан икки кишилик жуфт эшкакли қайиқлар доимий таркибда машғулоти ўтказадиган мос экипажлар тузилди. Шакллантирилган тажриба гуруҳи спортчилари учун махсус хар хил типдаги эшиш тензограммасини коррекция қилиш ва бир бирига яқинлаштириш мақсадида 18 та машқдан иборат мажмуа амалиётга тадбиқ этилди.

Эшиш фазасидаги бериладиган кучланишларни коррекция қилиш ва эшкакчининг эшиш вақтида тана сегментларини тўғрилашга ёрдам берувчи хар бир типдаги тензограммаларга алоҳида машқлар ишлаб чиқилди ва "Борг" шкаласи ёрдамида хафта кунларига тарқатилди (1-жадвал).

Синалувчиларнинг тензogramмасини коррекция қилиш учун ишлаб чиқилган машқлар мажмуаси

	Душанба	Сешанба	Чоршанба	Пайшанба	Жума	Шанба	Якшанба	
1 машғулот	Эшкак юзасини 90 ° ушлаган ҳолда эшиш 1000м х 4 марта (бунда 90°да 1000м эшилади 1000м оддий эшилади 4 марта тақорланилади.) Умумий 4км	Сувни илиш фазасида эшиш 500 м х 4 марта (бунда спортчи сувни илми фазасида оёқ-ларни тўлиқ чузмастан 3 марта эшиш ҳаракатини бажаради. 4 марта тўлиқ эшиш ҳаракатини бажаради. Умумий 2км	Ҳавода эшиш ҳаракатини бажариш 2 марта сувда тўлиқ эшиш бажариллади 3чи эшиш ҳавода, ушбу машқ 500м бажариллади кейин 500м тўлиқ эшиш бажариллади. Умумий 2км	Тўрт кишилик қайиқда илонча эшиш (4-3, 3-2, 2-1, 1-4 рақамдаги спортчилар кетма-кетликда эшилади) 20та тўлиқ эшишдан кейин жувфтликлар алмашишиб эшишчи бажариллади. Умумий 6км	Ф ақат о ёқ билан эшиш 250 м х 16 марта (бунда сувни илми фазасидан эшиш сифри фазасигача эшиш ҳаракатлари қўлларни бужмасдан ф ақат о ёқ билан эшиш ҳаракати бажариллади.) 250м қўлларни бужмасдан 250м Умумий 4км	Бир қўлда эшкакни бур масдан олиб ўтиш(тоқ эшкак қайиқлар учун) 200 м х 10 марта (бунда спортчи эшкакни ташқари қўлда ушлаб эшиш ҳаракатини бажаради 200м бир қўлда 200м тўлиқ эшиш.		Якшанба
2 машғулот	Эшкак қаламидан ушлаб олиб ўтиш 250 м х 16 марта Бунда эшкак қаламида ушлаган ҳолда эшиш 250метр кэнга ушлаб эшиш 250метр тўлиқ эшиш Умумий 2км	Оёқ тиргагини киймасдан эшиш. 250 х 8 марта Бунда эшиш ҳаракатларида тўлиқ координацияни ушлагача ҳаракат қилинади. Умумий 2км	Чоракта эшиш. 10 марта тўлиқ эшиш 5 марта чоракта эшиш. 500м х 4 марта Бунда эшиш ҳаракатлари максимал ҳудда бажариллади. 500метр машқ бажариллади 500метр тўлиқ эшилади. Умумий 2км	Кўлини алмаштириб эшиш "тоқ эшкаклик қайиқларда" 10 марта ўнг қўлда 10 марта чап қўлда. 500м х 4 Бунда эшиш ҳаракатларини бажараяётган қўлнинг ҳаракатларига эътибор берилиши керак. Умумий 2км	Пауза билан эшкак эшиш. 1000м х 4 марта Бунда эшишнинг олиб ўтиш фазаси тўлиқ бажариллади ва тайёргарлик фазасида қўллар тўлиқ қўзилган ҳолда марта қилинади, марта 1-2-3 сония бўлади. Умумий 4км	Микро фазаларга бўлиб эшиш. 500м х 8 марта Бунда эшиш қўлнинг 4 га бўлиб олиб ўтиш. 1-сувени илмидан қайиқ қранш тегилача, 2-сувени илмидан оёқ тиргагагача, 3-сувени илмидан тиззагага, 4-сувени илмидан эшиш олиригага эшкакни сувдан чиқармасдан.		Душанба
3 машғулот	Қалақак ҳаракатини бажариб эшиш. 250м х 4 марта Бунда тайёргарлик фазасида қўлларни қўзган ҳолда темага ва мастга 3 марта қалақак ҳаракати бажариллади.	Тайёргарлик фазасини тез бажариш. Бунда 3 марта тез бажариб 1 марта тўлиқ эшиш. Умумий 2км	Гидротормоз билан эшиш 500м х 8 марта. Бунда 500м гидротормоз билан максимал эшиш ҳаракати бажариллади. 500м оддий эшилади. Умумий 4км	Техник хатолар устида ишлаб эшиш Бунда ҳар бир эшиш қилидага фазалар 30та эшишдан бажариллади. Умумий 4км	Эшиш охирида пауза билан эшиш. Бунда ҳар бир эшиш олирида эшкаклар сувдан чиққаннан кейин 1-2 сониялик пауза ушланади. Умумий 4км	Юқори шикдада 10 эшиш ласт шикдада 10 эшиш эшиш. Бунда спортчилар ўзининг максимал эшиш шикдада 10 марта эшиш ҳаракатини бажарадилар, кейингиса 10 марта ласт шикдада ҳаракатлангандилар. Умумий 4км		Юқори шикдада 10 эшиш ласт шикдада 10 эшиш эшиш. Бунда спортчилар ўзининг максимал эшиш шикдада 10 марта эшиш ҳаракатини бажарадилар, кейингиса 10 марта ласт шикдада ҳаракатлангандилар. Умумий 4км

Барча чидамкорлик устувор бўлган спорт турлари каби академик эшкак эшиш спортида ҳам спортчининг ААЧ кўрсаткичи жуда муҳим. ААЧ бу доиймий турғун кўрсаткич эмас. Спортчи жисмоний тайёргарлигини ошириши билан ААЧ ҳам ошади. Шу сабабли, ААЧ нинг ҳозирги даражасини билиш ва уни ҳисобга олган ҳолда ўқув жараёнини ташкил қилиш, шунингдек, уни такомиллаштириш бўйича мақсадли ҳаракат қилиш жуда муҳимдир.

Тадқиқотимиз давомида академик эшкак эшиш бўйича ёшлар терма жамоаси аъзоларининг ААЧ кўрсаткичларини Конкони тести ёрдамида аниқлаб олдик (**2-жадвал ва 3-расмларга қаранг**). Ушбу тест бизга анаэроб чегара даражасини аниқлаш имконини беради, бу "кислородсиз" эшиш деб ҳам аталади.

2-жадвал

Тажриба ва назорат гуруҳларининг Конкони тести бўйича кўрсатган натижалари (n=12).

Конкони тестида ҳар бир кесимдаги ўртача ЮҚС					
Кесимлар	Ватт	Назорат гуруҳининг ўртача ЮҚС		Тажриба гуруҳининг ўртача ЮҚС	
		Т.О	Т.К	Т.О	Т.К
1	160	120,4	118,9	122,7	120,8
2	180	135,5	133,4	138,3	134,1
3	200	146,7	146,1	148,4	143,9
4	220	150,9	149,9	153,9	152,1
5	245	155,7	155,3	159,1	157,2
6	260	162,1	161,4	163,8	161,9
7	275	163,3	164,2	167,7	165,7
8	290	165,3	165,9	168,4	169,1
9	305	173,9	175,1	177,6	170,3
11	345	181,4	182,2	185,1	172,9
12	365	189,1	188,8	195,9	192,3

Изоҳ: ЮҚС- юрак қисқаришлар сони, Т.О- тажрибадан олдин ,ТК-тажрибадан кейин.

Конкони тести эшкак эшиш эргометрида 12 кесимни белгиланган юклама ҳажмида ва ҳар бир юкломани 1 дақиқа вақт давомида ушлаб туриб эшиш ва дам олмасдан кейинги юкламага ўтиш билан спортчи ўзи эшишдан тухтамагунча ишлаши мақсад қилинди.

Ҳар бир кесим тугаши билан спортчининг ЮҚС “Polar” кўкрак камари ёрдамида ёзиб олинади ва график чизилмаси орқали ААЧ аниқланади. Назорат гуруҳи синалувчиларининг Конкони тести бўйича ўртача ААЧ кўрсаткичи 7 кесимда 164,2 ЮҚС га 275 ваттга тенг бўлди. Тажриба гуруҳи синалувчиларининг Конкони тести бўйича ўртача ААЧ кўрсаткичи 8 кесимда 169,1 ЮҚС га 290 ваттга тенг бўлди.

Конкони тести бу 3-4 километргача доиймий равишда ортиб бораётган тезлик билан эшиш орқали тавсифланади.



3-расм. Конкони тестининг ААЧ аниқловчи диаграмма кўриниши.

Олинган натижалар асосида спортчиларнинг аэроб ва анаэроб имкониятлари чегараларини аниқлаш учун Конкони тести диаграммаси чизилади ва белгиланган 12 та кесим юкламалари вертикал тарзда ёзиб чиқилади. Диаграмманинг пастки тарафига горизонтал тарзда ҳар бир кесимдан кейин спортчиларнинг ЮҚС ёзиб борилади ва барча кесимлар ўтилгандан кейин ёки спортчи ишлашни тухтатгандан кейин ЮҚС нинг эгри чизигини диаграммага белгилашни бошлаймиз, ҳар бир кесим юкласи ва шу кесимдаги спортчи ЮҚС тўғрисида нукта қўйилади.

Барча кесимларга қўйилгандан кейин эгри чизиқнинг ҳаракатланиш йуналишига эътибор берилади ва қайси кесимда эгри чизиқ тепага эмас унғ тараф тепага ҳаракатланишни бошлаган кесимдаги ЮҚС тўғрисида қизил чизиқ билан чизилади, шу чизиқ спортчиларнинг ААЧ чегараси ҳисобланади.

Конкони тести натижаларига асосланган ҳолда тажриба гуруҳи учун машғулотлар дастури ишлаб чиқилди (3-4-5 жадвал). Тажриба давомида НГ га жалб қилинган юқори малакали ёш академик эшкак эшувчилар анъанавий мазмундаги машғулотларда шуғулланишни давом эттиришди.

Тажриба гуруҳи Конкони тести ёрдамида аниқланган ААЧ чегараси бўйича машғулот юкламаларини оптимал тақсимлаш асосида ишлаб чиқилган аэроб, интенсив, қайта тикловчи микроциклларда машғулот режаси асосида мунтазам шуғулланиб борди.

Тажриба гуруҳи учун ишлаб чиқилган машғулоғлар дастури қўлланилган
микроцикллар

Қайта тикловчи микроцикл

3-жадвал

Қўнлар		1	2	3	4	5	6	7	
Аэроб микроцикл	1-машғулот	устувор йўналиш	АЧ	МК (асо)	ААҚ	АЧ (асо)	МК		
		қўшмча йўналиш	ТЕХ	ААҚ	АЧ	ТЕХ	ААҚ		
		юклама даражаси*	7-9	7-9	6-7	4-6	6-7	7-9	
	2-машғулот	устувор йўналиш	МК	ТЕХ	Дам олиш		Дам олиш		
		қўшмча йўналиш	ААҚ	-	МК	ТЕХ	ТЕХ		
		юклама даражаси*	4-6	2-3	7-9	7-9	2-3		

Шартли белгилар

АЧ - аэроб чидамзорлик,
МК - максимал куч,
ААҚ - анаероб алакат қобилиятлар (максимал тезлик)
ТЕХ - ҳаракат техникаси
-Асо - асосий машғулот

* **юклама даражаси 4-жадвал**

Юклама даражаси	Юклама интенсивляти	Юклама ҳажми
1	Паст	Паст
2	Паст	Ўртача
3	Паст	Юқори
4	Ўртача	Паст
5	Ўртача	Ўртача
6	Ўртача	Юқори
7	Юқори	Паст
8	Юқори	Ўртача
9	Юқори	Юқори

Зарбдор микроцикл

5-жадвал

Қўнлар		1	2	3	4	5	6	7	
Интенсив микроцикл	1-машғулот	устувор йўналиш	АГЧ	АГИ (Асо)	АГЧ	КЧ (Асо)	ААҚ	АГИ	
		қўшмча йўналиш	ТЕХ	ААҚ	КЧ	АГИ	ТЕХ	КЧ	
		юклама даражаси*	7-9	6-7	7-9	6-7	4-6	7-9	
	2-машғулот	устувор йўналиш	КЧ	ТЕХ	Дам олиш		АГЧ (Асо)	Дам олиш	
		қўшмча йўналиш	ААҚ	-	ТЕХ	-	-	6-7	
		юклама даражаси*	4-6	2-4	2-4	2-4	6-7		

Шартли белгилар

КЧ - куч чидамзорлик (асосан анаероб),
ААҚ - анаероб алакат қобилиятлар (максимал тезлик);
АГЧ - анаероб гликолитик куч,
АГИ - анаероб гликолитик имкониятлар;
ТЕХ - ҳаракат техникаси,
-Асо - асосий машғулот,

* - юклама даражаси интенсив зоналар хусусиятларига асосланган

Ушбу микроцикллар таркибида эрталабки бадан-тарбия ҳисобга олинмайди. Тренажёр залида 3 тадан ортиқ кучга иўналтирилган машғулотлар тавсия этилмайди (2 та зарбдор, 1 та қўллаб-қувватловчи) микроцикл. Юкламаси гликолитик бўлган интервал машғулотларнинг орасидаги 24соат паст интенсивли машғулотлар режалаштирилди.Энг қатъий тартибга солинган микроцикл бу тикланиш микроцикл ҳисобланади. Ушбу микроциклни режалаштиришда об-хаво ва бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда юклама йўналишида иложи борича кам узгартиришга ҳаракат қилинди.

Диссертациянинг «**Академик эшкак эшишда жамоавий қайиқларга экипажларни шакллантириш услубиятини такомиллаштириш самарадорлигини тажрибада асослаш**» деб номланган тўртинчи бобида ёш академик эшкак эшувчилардан экипажларини шакллантириш услубияти самарадорлигини такомиллаштириш учун тадбиқ қилинган тензометрия ўлчамларининг якуний натижалари ва машқлар мажмуаси ҳамда жамоада лидер спортчини аниқлаш учун фойдаланилган психологик тестлар ва Конкони тестининг тадқиқотлардан олдин ва кейинги кўрсаткичларнинг қиёсий таҳлили ва 16 хафталик педагогик тажрибага жалб қилинган юқори малакали ёш академик эшкак эшувчилардан иборат назорат (НГ) ва тажриба (ТГ) гуруҳларининг жисмоний ва эшкакка бериладиган кучланишларнинг техник кўрсаткичлари, спорт натижаларининг ўзаро қиёсий таҳлилининг натижалари баён этилган (6-жадвал).

6-жадвал

Назорат (НГ, n=12) ва Тажриба (ТГ, (n=12) гуруҳларидаги спортчиларнинг эшишдаги кучланишини Сонсерт-2” эргометрида аниқлаш мақсадида 500 м тажриба масофасини босиб ўтишда кўрсатган техник кўрсаткичларининг статистик таҳлили.


Кўрсаткичлар		Тажриба бошида			Тажриба охирида			Ўсиш		t	P
		\bar{X}	σ	V, %	\bar{X}	σ	V, %	Абсолют	Нисбий,%		
Масофани босиб ўтишда умумий эшишлар сони, марта	НГ	44,68	4,38	9,80	41,73	3,83	9,18	2,95	6,60	1,76	>0,05
	ТГ	45,94	4,64	10,10	39,52	3,73	9,44	6,42	13,97	3,74	<0,01
Сарфланган вақт, с.	НГ	106,63	9,04	8,48	104,55	8,19	8,15	6,20	5,81	1,76	>0,05
	ТГ	107,79	9,64	8,94	94,43	7,74	8,20	13,36	12,39	3,70	<0,01
Тезлик (м/сек)	НГ	2,38	0,28	11,76	2,63	0,3	11,41	0,25	10,50	2,11	<0,05
	ТГ	2,24	0,27	12,05	2,82	0,32	11,35	0,58	25,89	4,80	<0,001
Ўртача куч, кг	НГ	67,31	7,09	10,53	72,46	7,24	9,99	5,15	7,65	1,76	>0,05
	ТГ	66,36	7,17	10,80	77,84	7,84	10,07	11,48	17,30	3,78	<0,01
Максимал куч, кг	НГ	127,47	10,89	8,54	135,17	10,72	7,93	7,70	6,04	1,75	>0,05
	ТГ	128,47	11,38	8,86	145,72	11,21	7,69	17,25	13,43	3,77	<0,01
Эшиш узунлиги, м/см	НГ	1,32	0,13	9,85	1,44	0,134	9,31	0,12	9,09	2,23	<0,05
	ТГ	1,21	0,12	9,92	1,46	0,133	9,11	0,25	20,66	4,83	<0,001

Тензометрик таҳлилари бизга спортчиларни эшқакка берадиган кучланиш бўйича кўрсаткичларининг статистик натижаларини олишга имкон берди. Тадқиқотимиз давомида биз томонимиздан эшқакчиларнинг эшиш вақтидаги берадиган кучланишларини коррекция қилиш учун ишлаб чиқилган ўқув машғулотлар дастури спортчилар натижаларига ижобий таъсир кўрсатди.


Синалувчилардан олинган тензометрик таҳлиллар тажрибани якуний босқичига келиб ишончли қийматларга эга бўлди.

